

Ziyo chashmasi



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 4 (224)

2014 YIL, Aprel

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси

2014 йил 11 апрель куни институтимизда «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови ўтказилди. Танловнинг расмий қисмини кириш сўзи билан Маънавий-маърифий ишлар проректори А. Тангиров очиб берди. У ўз сўзида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2104 сонли Қарори ижросини таъминлаш ҳамда ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш мутахассисларни рағбатлантириш, ёш авлод вакилларида Ватан туйғуси ва мамлакатда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик хиссини оширишга кўмаклашишга катта эътибор берилганлиги ҳақида батафсил тўхталиди.

Институт илмий ишлар проректори М. Султонов сўзга чиқиб «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловини ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида институт маъмурияти ва касаба уюшма кўмитасининг кенгайтирилган ишлаб чиқариш йиғилишида тасдиқланган ҳайъат таркибини ўқиб эшиттирди. Шунингдек, Республикадаги ёш мутахассис ва ходимлар ўртасида

ўтказиладиган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови тўғрисидаги Низомга асосан институт маъмурияти, касаба уюшма кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан танланган номинациялар бўйича энг фаол ёш дастурчи, энг фаол ёш кимёгар ва энг фаол ёш олим йўналишларида танловда иштирок этаётган ёш мутахассислар рўйхати билан йиғилганларни таништирди.

Танловнинг асосий қисмида танлов иштирокчиларига ўз ишлари натижалари бўйича маълумотлар бериш учун сўз берилди. Сўнгра ҳайъат аъзолари ишларни атрофлича муҳокама қилиб, голибларни аниқладилар. Танлов якунига кўра энг фаол ёш дастурчи номинацияси бўйича информатика ва уни ўқитиш услубияти кафедраси ўқитувчиси Хуррам Тангиров энг юқори балл тўплади. Энг фаол ёш кимёгар номинацияси бўйича кимё-экология ва уни ўқитиш услубияти кафедраси ўқитувчиси Наргиза Мўминова юқори натижаларга эришди. Энг фаол ёш олим номинацияси бўйича докторант Жамшид Эргашевнинг ишлари ҳайъат аъзолари томонидан алоҳида эътироф этилди.

Рохатой НОРБЎТАЕВА,
Институт касаба уюшма кўмитаси ходими.

ИҚТИДОРИНГИЗНИ КЎРСАТИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси мажлисининг 2014 йил 20 февралдаги 35-сонли баёни ҳамда Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Урта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан жорий йил 7 мартда тасдиқланган «2014 йилда диний вазиятни янада соғломлаштириш, конфессия ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар Дастури»да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан институт ректорининг буйруғи билан «Мен диний экстремизм ва терроризмнинг таҳдидини қандай тушунаман?» ҳамда «Жаҳолатга қарши маърифат» мавзуларида танлов ўтказишга қарор қилинди. Танлов «Энг яхши мақола», «Энг яхши реферат», «Энг яхши иншо» йўналишларида ўтказилади.

Танловнинг асосий мақсади ёшларга давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг ахамиятини атрофлича тушунтириш, юртимизга қарши қаратилган гоъвий ва инфомацион хуружлар, уларнинг ортида турган кучларнинг гаразли мақсадларини фож қилиш, хушёрлик ва огоҳликка давлат этишга қаратилган ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий тарғибот ишларида кўмаклашиш, ўз иқтидорини намойиш этишлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда мустақил ва эркин фикрга эга истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Танлов уч босқичда - академик гуруҳлар талабалари ўртасида жорий йил октябрь ойининг учинчи ўн кунлигида, институт миқёсида ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигида, республика олий таълим муассасалари голиблари ўртасида ноябрь ойининг учинчи ўн кунлигида ўтказилади.

Хурматли талаба ёшлар!
Танловларда иштирок этинг ва иқтидорингизни синовдан ўтказинг!

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР

ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЛМИЙ АНЖУМАНИ

24 апрель куни Ижтимоий фанлар кафедрасида профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабаларнинг IV анъанавий илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияни Тарих факультети декани С. Фозиев кириш сўзи билан очиб берди. Шундан сўнг ижтимоий фанлар кафедраси профессорлари Ф. Аҳмедшина ҳамда Б. Очиловлар сўзга чиқдилар. Конференциянинг асосий қисмида профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабаларнинг илмий маърузалари тингланди. Конференция якунида энг яхши маъруза ва энг яхши мақола муаллифлари рағбатлантирилди.

Диёрбек АБДУХОЛИҚОВ,
Миллий гоё, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши талабаси.

Омад ёр бўлсин, ёшлар!

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 31 мартдаги 113-сонли «Олий таълим муассасалари талабаларининг Республика фан олимпиадасини ташкил қилиш ва ўтказиш тўғрисида»ги буйруғининг ижросини таъминлаш мақсадида институтимизда фан олимпиадасининг биринчи босқичи Низом талаблари асосида адолатли, холис ва муваффақиятли ўтказилди.

Вазирлик томонидан тасдиқланган жадвалга асосан олий таълим муассасалари талабалари республика фан олимпиадасининг иккинчи босқичида ўтказилган фанлар, ташкиллаштирувчи ва ўтказувчи олий таълим муассасалари белгилаб қўйилди. Унга кўра шу йил 12-13 май кунлари институтимизда рус тили ва адабиёти (мутахассислик) фани бўйича фан олимпиадаси бўлиб ўтади ва унда республика миқёсидаги турли олий ўқув юртиларидан келган голиб иқтидорли талабалар ўз билимларини синовдан ўтказадилар.

Институтимизда ушбу олимпиадага пухта тайёргарлик кўрилмақда. Билим ва тафаккур синовларида биз иқтидорли талабаларимизга омад тилаб қоламиз.

Барно БОЛТАЕВА,
Институт илмий бўлими услубчиси

КИТОБХОНЛАР БАЙРАМИ

«Китоблар мўъжизадир, мен ҳаёт мазмунини китоблардан топдим», - деган эди буюк рус шоири Максим Горький. Дарҳақиқат, китоб азалдан инсониятнинг тафаккур тараққийини белгилловчи мезон бўлиб келган. Мустақиллигимиз кўлга киритилгач кўп соҳалар қатори китоб санъати ҳам жадаллашув жараёнлари кечди. Бунинг инъикоси сифатида бугунги кунда Республикаимиз бўйлаб кенг тармоқ ёйган 1500 дан зиёд китоб дўконларининг пештахталарини безаб турган мингдан ортиқ турдаги китобларни кўриб кўзингиз қувнайди.

23-апрель - «Халқаро китоб куни» муносабати билан Республикаимизда «Китобхонлар байрами» маънавий-маърифий тадбири ўтказилмоқда. 25-апрель куни институтимиз маданият саройида ушбу танловнинг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Бунда Гулистон Давлат университети, Жиззах политехника институти ва Жиззах Давлат педагогика институти вакиллари ўзаро куч синашдилар. Танлов 5 номинация: «Энг яхши илмий мақолалар», «Энг яхши китоб тарғиботчиси», «Ёш ижодкор талаба», «Асарлардан яралган саҳна асарлари», «Асарлардан яралган наволар» асосида бўлди. Танлов якунига кўра Жиззах Давлат педагогика институти вакиллари 1-ўрин, Гулистон Давлат университети вакиллари 2-ўрин, Жиззах политехника институти вакиллари эса 3-ўринга лойиқ деб топилди.

Хумора УМАРОВА,
Ўзбек тили ва адабиёти йўналиши талабаси.

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида Жиззах политехника институтида «Тафаккур синовлари» танловининг саралаш босқичи мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Гулистон Давлат университетининг «Давр ёшлари», Жиззах Давлат педагогика институтининг «Статус», Жиззах политехника институтининг «Тарғиботчи талабалар» жамоалари 5 шарт бўйича билимларини синовдан ўтказдилар.

Танлов шартларига Ўзбекистонимиз тарихи, истиқлол йилларида эришилган ютуқларимиз, бугунги ёшларимизнинг истеъдоди, уларга яратиб берилаётган имкониятлар, ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, ҳуқуқий маданият каби мавзулар асос қилиб олинди. Талабалар ушбу масалалар бўйича ўз иқтидорларини намойиш этдилар. Мавзулар видеоролик ва саҳна кўринишларида ҳам кўрсатилди.

Мазкур танловнинг саралаш мусобақасида Жиззах Давлат педагогика институтининг «Статус» жамоаси 189 балл тўплаб биринчи ўринни эгаллади. Энди голиб талабалар Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган Республика ҳудудий босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

Мухлиса ЭРМАТОВА,
«Зиё чашмаси» ходими.

УШБУ СОНДА:

<p>2 БЕП</p> <p>АМИР ТЕМУР ЕДГОРЛИКЛАРИ</p> <p>ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ</p>	<p>3 БЕП</p> <p>МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТЛАР САРҲИСОБИ</p> <p>КИТОБ - АҚЛ ЧИРОҒИ</p>	<p>4 БЕП</p> <p>ЯХШИ КАЙФИЯТ РАМЗИ</p> <p>БАҲОР МУШОИРАСИ</p> <p>«ОРИЯТ» (Хикоя)</p>
---	---	--

Ziyo chashmasi

9 апрель - Амир Темур тавадду тогган кун



678 йил

АМИР ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ

Куч - адолатдадир!

Кимки бизнинг кудратимизга шубха қилса, биз қурган иморатларга боқсин!

Содиқ ва вафодор дуст улдириким, уз дустидан ранжимади, дустининг душманларини уз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дустини учун жонини ҳам аямайди.

Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмиш насл-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча курсурлардан холи бўлсагина эл-юртга катта тўй-томоша бериб, келин туширдим.

Соҳибқироннинг Кўчма Масжиди

Амир Темур болалик чоғиданоқ ўқиш, ёзиш ва турфа илм асосларини эгаллаш, ҳарбий билимини ўрганишга жуда иштиёқманд бўлган. Шу боисдан биринчи муаллими Мулла Алибекнинг мақтовига тез-тез сазовор бўлиб турган.

У етти ёшида шайх Шамсиддин мактабига бориб ўқишни давом эттиради. Бу билим даргоҳида бошқа билимлар қатори Қуръони карим ҳам ўқитилар эди. Машғулоти Қуръоннинг 91-сураси «Аш-Шамс»дан бошлашни одат қилиб олган. Соҳибқирон дастлабки кунийқ шу суранинг 15 оятини ёдла олади. Унинг зеҳни тезлиги ва ўткирлигига қойил қолган шайх Шамсиддин умр бўйи мауллимлик қилиб, бундай истеъдодли болани кўрмаганлиги ҳақида Темурнинг отаси Тарағайга мактаб гапирарди.

Унинг ўсмирлигида қадди-қомати келишган, кенг кўкракли, йўғон билакли, ба-савлат паҳлавон бўлган. Уни кўрган қишлар йигирма ёшдан ошган йигитга қиёслаганлар. У қуръоннинг сура ва оятларини яхши билганлиги сабабли ислом дини талаблари ва мусулмончиликка қаттиқ риоя этар эди. У жанг ҳолатларидан ташқари вақтларда беш вақт намозни қанда қилмас, жума номозини жамоа билан ўқир, аскарларни ҳам машқлар оралиғида номоз ўқиб олишга даъват қилар эди.

Амир Темур ҳарбий сафарда кўп бўлганлиги сабабли ва кўмондонлик фаолиятининг ўттиз йилини сарҳадога ўрдигоҳ (сах-рода ҳарбийлар жойлашган ҳудуд)да ўтказганлиги туйғайли, у усталарга бир кўчма масжид ясатади. Масжид ёғочдан ясалган бўлиб, уруш сафарлариға чиққан пайтлари уни йигирма беш араваға юклаб олиб юришган Аравалар юролмайдиган жойларда масжид 400 от еки хачирға юкланган.

Масжид икки минорадан иборат бўлган. Бирини кўк рангда бўлиб, Оллоҳнинг кудрат омида маъносини билдира, иккинчисини қирғизчи белгисини англатар эди. Худди шу каби масжид ҳам икки ранг билан бўялган. Темур бориб тушган манзилға масжид қурилиб, муаззин минораға чиқиб, азон айтар. Соҳибқирон жамоат билан номозни масжидда ўқир эди.

Амир Темур мусулмон бўлмаган давлатларға ҳарбий юриш қилганда урушда шахид бўлганлар учун рамз сифатида, уша шаҳардаги бутхоналарни масжидға айлантирган.

Умид СУННАТОВ, «Умид» мактаб-интернатининг тарих ўқитувчиси.

«Шибилармон, мардлик ва тижоат соҳиб, азми қатъий, тағбиркор ва ҳуш-ёр бир киши минг-минглаб тағбиреуз, лоқайд китилардан яшадир»

Амир Темур

танатни бошқариш масалалари кенг ёритиб берилган. Марказлашган давлат бошқаруви ва унинг натижавийлиги тамойили асосида иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий соҳалар каби йўналишларда бошқарувни ташкил этиш масалалари тизимли қамраб олган бўлиши мумкин.

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ДАВЛАТ

ТАРҚАТЛАШДА ҒОИЖАЛАШ

Амир Темурнинг иқтисодий сиёсати ва унинг натижалари таҳлили мазкур сиёсатнинг асосини ягона кучли давлат, тинчлик, ҳуқуқийлик, бунёдкорлик ва халқ фаровонлиги ғоялари ташкил этганини кўрсатади.

«Темур тузуқлари» кенг маънода давлат бошқаруви (бошқарув, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ва бошқалар) ва ижтимоий муносабатлар йўналишидаги масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда ўзига хос услубий ёндашувга эга. Унда ҳар бир йўналишга алоҳида эмас, балки барча йўналишлар яхлит ҳолда кўрилиб, уларға комплекс ва тизимли ёндашилган. Шу нуқтаи назардан «Темур тузуқлари»да иқтисодиётға услубийлик жиҳатдан қўйидаги тамойиллар асосида ёндашилган:

- иқтисодиёт-давлат бошқаруви ва ижтимоий муносабатларнинг муҳим таркибий қисми тамойили;
- марказлашган давлат бошқаруви ва унинг натижавийлиги тамойили;
- рағбатлантирувчилик ва назорат тамойили;

тузуқларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги тамойили. Иқтисодиёт-давлат бошқаруви ва ижтимоий муносабатларнинг муҳим таркибий қисми тамойилига мувофиқ, иқтисодиётға давлат бошқаруви ва ижтимоий муносабатлар тизимининг муҳим таркибий сифатида қаралиб, услубийлик жиҳатдан иқтисодий, сиёсий, диний, ҳарбий, ижтимоий ва бошқа масалалар яхлит жараён сифатида кўриб чиқилган ҳамда ҳуқуқий ва бошқа меъёрлар диалектик бирликда белгилаб берилган. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий масалаларнинг бошқа йўналишлар (сиёсий, диний, ҳарбий, ижтимоий ва бошқалар) билан уйғунлиги ва муносиблиги асосида иқтисодий сиёсат (тағбир)нинг натижавийлигини таъминлашға хизмат қилади.

Мазкур тамойилға мувофиқ ҳолда «Темур тузуқлари»да турли масалалар бевосита ёки билвосита иқтисодиётға оид бўлиб, унда, жумладан, умум-метадиологик, ҳуқуқий ва тағбирлар каби масалалар тизимли равишда ёритилган. Хусусан, «Темур тузуқлари»нинг иккинчи китобида мамлакатни қўлда тутиб туриш ва сал-

либ, улар Амир Темур ҳаётининг мазмуни ва фаолиятининг асосий маъноси бўлган Ватан озодлиги ва унга бўлган чексиз муҳаббат кадрятларига бўйсундирилган. «Темур тузуқлари»да иқтисодиётни бошқариш қонун-қоидалари юзасидан бошқарув тизимининг яхлитлиги, ихтисослашув, инсон салоҳияти, ижро интизоми ва бошқарувнинг натижавийлигига алоҳида ўрин берилган.

Малакали мутахассислар бошқарув самарадорлигини таъминловчи асосий омил ҳисобланади. Шу сабабли касбий таълим йўналишидаги фанларни ўқитишда «Темур тузуқлари»да келтирилган тарихий маълумотлардан ўрнида фойдаланиб бориш, таълим сифати ва самарадорлигини оширади, пировардида етук кадрлар тайёрлашға асос бўлади.

Шамсиддин ХИДИРОВ, Иқтисодий билим асослари кафедедраси мудри.

Хуршида ҚУРБОНОВА, Меҳнат таълими йўналиши талабаси.

Марказий Осиё ҳудудида олиб борилган ўша замон урушлари натижасида XIV-XV асрларда, Мовароуннаҳрда темурийлар даврида обод ва ҳашаматли пойтахтга эга бўлган кучли давлат юзага келди. Ҳозирги Урта Осиё ва Қозғистон ҳудудларида ҳисобсиз бойликлар, босиб олинган мамлакатлардан олиб келинган сон-саноксиз моҳир ҳунарманд усталар тўпланган эди. Ийрик қурилиш ишлари авж олганди. Унда шарқ халқларининг маъморчилик тажрибаси ва халқ анъаналари мужассамланган эди.

Уша даврда Амир Темурнинг қўрғазмасига асосан энг улкан, оламшумул архитектураға эга бўлган тўртта бино қурилган. Булар: Оқсарой ва Амир Темур авлодларининг даҳмаси, Шаҳрисабздаги Доруссаодат мажмуаси, Туркистон шаҳридаги Хўжа Аҳмад Яссавий даҳмаси, ҳамда мусулмон Шарқида улкан ҳисобланган Бибиноҳим номи билан маълум бўлган жоме масжиди.

Ҳозирги вақтда Яссавий мақбарасидан ташқари бу биноларнинг харобалари сақланиб қолган. Урта аср шаҳар ҳаётида жоме масжиди алоҳида ўрин эгаллайди. Катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бу бино феодак давлат тузуми ва динни ўзида гавдалантирган эди.

Амир Темурнинг Ҳиндистонга қилган голибона юриши шарофига жоме масжид қурилган. Амир Темур масжид учун пойтахтнинг энг яхши жойини танлаган. Машҳур усталар ва бинокор меъморлар бу улкан иморатнинг лойиҳасини тузганлар. Жоме масжиди шаҳарнинг бутун бир даҳасини эгаллаган. Унинг узунлиги 167 метр, эни эса 109 метр, пештоқнинг кенлиги 46 метр. Юқори қисми қулаган бўлишиға қарамай, баландлиги 36 метрга тенг.

АМИР ТЕМУР

XVI асрнинг охирида Шайбонийлар сулоласидан бўлган Амир Абдуллаҳон буйруғи билан Бибиноҳим мадрасаси ҳаробаға айлантирилган.

Ҳаммага маълумки, Шаҳрисабзда Соҳибқирон ўзининг машҳур саройи Оқсаройни қурдирган. Оқсаройнинг бундан 200 йил муқаддам қулаб тушган кириш пештоқи Урта Осиёда энг йирик пештоқ ҳисобланган, унинг равоқ оралиги 22,5 метр бўлган. Ана шу мухташам иншоотдан пештоқнинг пастки қисми - икки минора сақланиб қолган ҳолок. Бу минораларнинг ҳозирги вайрона ҳолидаги баландлиги 38 метрни ташкил қилади.

1394 йилда Амир Темур ва унинг барча авлодларини дафн этиш учун мўлжалланган маҳабатли мемориал комплекс - Доруссаодат (давлатмандлар саройи) қасрини қуриш бошланди. Темурға аталган улуғвор мақбарадан ер остидаги гўрҳона ва тош даҳма сақланиб қолган. Қабр тошиға Соҳибқирон тавсифи учун тўғри бурчакли хошия ўйилган. Бироқ қабр тошиға ҳеч нарса ёзилмай асрлар бўйи қолиб кетган, чунки Амир

Темур Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасига дафн этилган.

Соҳибқирон, уруш сафарларидан бирида Туркистоннинг Ясси қишлоғиға Хўжа Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилгани тўшади. Зиёратдан сўнг Яссавийни кичик аламлар бойланган даҳмасиға қараб: «Бундай даҳма Хўжа Аҳмад Яссавийға муносиб эмас» деб ўзи ҳапозлаб салобатли бино қуриш жойини ўлчаб

ҳарбий бошлиқлари, хотини ва набираси мақбаралари, Бухородаги қайта қурилган Чашмаи Аюб мазори (1385 й.), Сайфиддин Боҳарз ва уни ёнидаги Буянқули даҳмалари ҳам Амир Темур замонида бунёд этилган.

Юқорида тилға олинган биноларни қурган машҳур усталар ва бинокор меъморларнинг номлари тарихий манбаларда ҳам, ёдгорликларда ҳам йўқ. Уша даврдаги кўпгина архитектура ёдгорликлари замондошлар тавсифи орқали бизға маълум.

ЁДГОРЛИКЛАРИ

беради. Бино қурилиб битади, аммо уни пештоқини ҳашами қолган вақти 1405 йили Темур вафот қилади. Шу сабабли бино пештоқи ҳашами битмай қолади. Ҳозирги кунда бу салобатли бино яхши сақланган ва зиёратгоҳ жойиға айланган.

Булардан ташқари Амир Темур даврида қурилган, архитектура-си жиҳатидан кишини ҳайрон қолдирадиган ва шу кунгача сақланиб келган кўпгина бинолар бор. Жумладан: Шаҳрисабздаги 1376 йилда тўсатдан вафот этган Темурнинг 20 яшар ўғли шарофига қурилган Жаҳонгир мақбараси, Самарқанддаги Шоҳи Зинда бинолари қаторидаги - Шоҳи Мулк (1372 й.), Амир Хусайн (1376 й.), Амир Бурундуқ (1380 й.), Ширин Бека (1385 й.), Амирзода (1386 й.), Туманоға (1405 й.) каби Соҳибқироннинг

давлат маркази бўлган Самарқанд шаҳри ери жузидаги латиф шаҳарлардан бириға айлантирилган. Унда қурилган антиқа меъморий бинолардан ташқари кўплаб боғу ҳибонлар, марказий майдону, савдо расталарини бунёд этган.

Васила ИСАҚОВА, Рус тили ва адабиёти йўналиши талабаси.

Малакавий амалиёт замон талабига мос, рақобатбардош юқори малакали мутахассис тайёрлашда ўқув жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, унинг вазифаси олинган назарий билимларни мустақамлаш, чуқурлаштириш, амалий тажриба ва маҳоратни ошириш, педагогик малакаларни сингдиришдан иборатдир.

Малакавий амалиёт талабаларни ўқитувчилик касбига тайёрлашнинг бирдан бир асосий омилли сифатида талабаларнинг институтда олган назарий билимларини амалиёт билан боғлаш, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ҳамда касб-хунар коллежлари ўқувчилари билан ўқув-тарбиявий ишларни бажариш имкониятларини яратди.

Институтда 2011 йили тасдиқланган ўқув режага асосан қуйидаги малакавий амалиётлар турлари ўтказилади:

1. Узлуксиз (ўқув-танишув) педагогик амалиёти. 14 та йўналишда I, II, III курсларда.

2. Ўқув амалиёти. 5 та йўналишда I, II, III курсларда.

3. Педагогик амалиёт. 17 та йўналишда IV курсларда.

Узлуксиз педагогик амалиётнинг умумий вазифаси ўқитувчининг асосий педагогик функцияси билан танишиш ва уни бажариш учун зарур бўлган малака ва кўникмаларини егаллаш билан боғлиқдир. Бизнинг давримизда ўқитувчи ижрочилиги эмас, тадқиқотчи ҳамдир. Демак унинг функциялари орасида илгор тажрибани ўрганиш, педагогик вазиятларни таҳлил қилиш, уларга таъсир этган ижобий ёки салбий оқибатларга олиб келадиган сабабларни топиш, педагогик ва психологик тадқиқотлар олиб бориш учун ўз ишининг натижаларини таҳлил этиб, умумлаштириш, педагогик муаммоларни кўра билиш, уларга доир тахминлар қилиб, ечимини топиш, ўқувчиларни ҳам тадқиқот ишларига жалб этиш каби вазифалар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Узлуксиз педагогик амалиёт давомида ҳар бир талабанинг танлаган касбига-педагогик фаолиятига яроқлилиги, қизиқиши, шу соҳадаги тайёргарлиги даражаси ўрганилади. Амалиётга раҳбарлик қилаётган институт вакили ҳар бир талабани узлуксиз ўрганиб, ташкил этаётган ишларини кузатиши, ўқувчилар билан алоқаси, турли вазиятларга нисбатан реакцияси, фаолиги ва бошқаларга қараб унинг мустақиллиги, ташкилотчилиги, ихтисос тайёргарлиги ва масъулияти, умумий тайёргарлик даражаси ва касбига яроқлилигини аниқлаб боради. Буларни амалиёт охирида ўтадиган анжуманда эълон қилиб тегишли тавсиялар беради.

Узлуксиз педагогик амалиёт якунида барча ҳужжатлар кафедрга йиғилиб услубчи ўқитувчи томонидан рейтинг тизимига асосан баҳоланади ва барча ҳужжатлар кафедрда сақланади. Услубий кафедр мудири умумий ҳисобот топширади. Шу кунларда институтимизнинг I, II, III курс талабалари бакалавр ўқув режасига асосан Жиззах шаҳри ва тумани умумтаълим мактабларида, махсус мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида назарий билимларини амалий жиҳатдан синовдан ўтказиб кайтдилар.

Узлуксиз педагогик амалиётда жами 2606 нафар I, II, III курс талабалари катнашдилар. Шундан 1969 нафари Жиззах шаҳри, 200 нафари Жиззах тумани мактабларида, 86 нафари академик лицейларида, 47 нафари касб-хунар коллежларида, 220 нафари Жиззах шаҳар ва туман мактабгача таълим муассасалари, 147 нафари махсус мактабларида, 16 нафари вилоятимизнинг қозоқ тилида ўқитиладиган мактабларида I, 2, 3, 4 хафталик педагогик амалиёт ўтадилар.

4-курслардаги педагогик амалиёт 2013-2014 ўқув йилида 14 ҳафта давомида институтимиздаги 17 та таълим йўналиши бўйича 4-босқич талабалари билан Жиззах шаҳри ва тумани умумтаълим мактабларида, вилоят касб-хунар коллежларида ва академик лицейларида, психологик марказларда, махсус мактабларида, мактабгача таълим муассасаларида ўтказилмоқда.

Ўқув йилининг бошидан барча таълим йўналишларида ўқув режага биноан малакавий амалиётлар аниқланиб, ишчи ўқув режалари тузилиб, дастур ва ишчи дастур-

рини амалий жиҳатдан синовдан ўтказмоқдалар. Педагогик амалиётда жами 1613 нафар талаба катнашмоқда. Шундан 977 нафари Жиззах шаҳри, 150 нафари Жиззах тумани мактабларида, 145 нафари академик лицейларида, 122 нафари касб-хунар коллежларида, 89 нафари Жиззах шаҳар ва туман мактабгача таълим муассасалари ва махсус мактабларида, 130 нафари Жиззах вилояти қозоқ тилида ўқитиладиган мактабларида педагогик амалиёт ўташмоқда.

Талабаларнинг педагогик амалиётидаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги Низом асосида кафедра-раларнинг услубчи профессор-ўқитувчилари томонидан таҳлил қилиниб, қўйилган балл ва баҳолаш асосида умумлаштирилади.

Педагогик амалиёт давомида услубчи профессор-ўқитувчилар ва амалиётчи талабалар қуйидаги қондаларга амал қилишлари зарур:

- Педагогик амалиёт ўтказиш иш режасини тузиш;

- Амалиётчи талабалар

ўқув жараёнининг 3-4 чораги учун календар иш режаларини тузиб, услубчи ўқитувчилар, мактаб илмий бўлим мудири, фан ўқитувчисига тасдиқланган ҳолда шу режа асосида иш олиб бориш;

- Режа асосида дарс кузатиш ва дарс таҳлилларини амалга ошириш;

- Режа асосида очик ва мустақил дарслар ўтказиш;

- Чораклар учун тарбиявий иш режаси тузиш ва услубчи ўқитувчи, синф раҳбарига тасдиқлатиш;

- Режа асосида тарбиявий соатлар ва тарбиявий ишлар олиб бориш;

- Амалиёт мобайнида турли хил кечалар, учрашувлар, анжуманлар ўтказиш;

- Факультет, кафедра ва мактаблар учун талабалар томонидан кўргазмалар қуроллар тайёрлаш;

- Педагогик амалиёт натижаларини аввало кафедраларда, сўнг факультет, институт илмий кенгаши йиғилишларида муҳокама қилиб, тегишли қарорлар қабул қилиш;

- Барча факультетларда талабаларнинг педагогик амалиёт якунларига бағишланган анжуманлар ўтказилиб, бунда педагогик амалиёт давомидаги ютуқлар, камчиликлар, фикр-мулоҳазалар ва тақлифлар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилиш.

Юқоридаги қондаларга амал қилиб педагогик амалиётни намунали якунлаш бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим вазифа ҳисобланади.


Эргаш ШАМУРАТОВ,

Институт ишлаб чиқариш ва педагогик амалиётлар бўйича ўқув бўлими инспектори, кимё фанлари номзоди, доцент.

Талаба ижоди

ОРИЯТ

(Ҳикоя)



Қишлоққа ўғри оралабди...

Бу воқеа Жулангарда саратонда ёққан ёмғирдай содир бўлди. Жулангар ўзи кичкинагина қишлоқ эмасми, ҳамма бир-бирини яхши танийди. Бировнинг олган нафаси бошқасига кундай аён. Кимдир ноҳўя қалам босса, албатта, атрофидагилар беҳабар қолмас. Шунинг учун ҳам бу воқеадан ҳамма лол қолди.

Пешин номозидан сўнг гузарда тўпланган чолларнинг бугунги суҳбат мавзуси аини шу дилхиралик атрофида қайнар эди. Қишлоқда Юнус саркор деган ном билан машҳур кекса чавандоз, ҳаёлга чўмган кўйи ўтира-ўтира бир қарорга келиди чойи ўз мулоҳазасини ўртага ташлади:

- Гапнинг дангали шу, ўғри ўзимиздан эмас. Агар шу ерлик бўлса, ўз ичимиздаги кўли эгри ким, билмасмидик? Бирда бўлмаса, бирда миси чиққан бўларди-ку!

- Э, йў-у-уқ! Ўғри ўз ичимизда. Чунки, бутун бошли молни оғилдан билмаган одам олиб чиқиб кетолмайди! Ўғри - билган, кузатган, пайт пойлаб эвини қилган, - эътироз билдирди қишлоқ самоварчиси Нўмон чол.

- Тўсатдан қайси ноқас ҳам бундай номаъқулчиликка қўл урарди. Йўқ, бундан узоқдан келиб қилган. Юнус саркор қарорим шу, дегандек кескин ўғирлиди, хизматчи болани чақирди!

- Ҳай, Каримберди, чойни янгила!

Алла-палладан бери гапга аралашмай уйга чўмиб ўтирган Кўчқор баққол аввал сўридан энкайиб нос тўғлади, пиёлада совиб қолаётган чой билан обдон лунжини чайган бўлди, сўнг шошилмай сўз қотди:

- Менимча-а-а, Саркор ҳақ! Сўнгги марта қишлоқда бундан йиғирма йилча бурун ўғирлик бўлиб эди. Ушанда-а-а, - ниманидир эслай олмагандек чаккасини қашиган бўлди. - Сотиболдиннинг ишқомидан узуми ўғирланган эди. Уғрини ушлашган, ўша ўғри ўзимиздан эди. Аммо, шу-шу бошқа бундай иш бўлмади. Йиғирма йил бадалига бу биринчиси. Саркор ҳақ, бизда ўғри йўқ!

Нўмон чол норози бош чайқайди:

- Сен шунақа дейсан-у, баққол, аммо, одамни олмаси ичида, ҳа! Ана, Садирнинг ўғлини олайлик. Ким уйлабди, у ножинсини, отасини ташлаб шаҳарга кетворди, деб! Қайдан биласан, балки жуда муҳтож қолган битта яримтаси шайтон йўлдан уриб қилган бўлса қилгандир, Нўмон чолнинг сўнгги сўзларидан мўйсафидларга хос қайсарлик сезилиб турарди. Унинг бу муқоясаси Саркорга ўзгача наъша қилди:

- Биринчидан, Садирнинг ўғли бошқа масала, бу бошқа. Кейин, нафеиламбир айтганда, ўша бола, исми нимайди, сен айтганчилик отасини ташлаб кетвормади. Энди, ўқиган касбига қишлоқда иш бўлмаса, нима қилсин? Отамни олиб кетаман, деб чираниб ётибдику.

- Майли, гап қарлик ёки қайси ўғри олганда эмас. Нима бўлгандаям қишлоқ шаънига яхши иш бўлмаси, аттанг - бош чайқайди Кўчқор баққол, - Сойибга жавр бўлди...

Кекса, қайсар чолларни бу гап ўз фикрини исботлаш машаққатидан ҳалос этгандек бўлди баравар тасдиқлашди:

(Давоми 4-саҳифада)

24 апрель - Бутун жаҳон китоб кун

Аллоҳ аввал оламни яратди. сўнг қаламга ёзишни буюрди. Шу тариқа илк китоб - «Лавҳ-ул Маҳзуф» яратилди. Айнан шу жараёндан сўнг инсон ва китобнинг йўллари туташди. Китоб жамиятнинг ажралмас қисми, бошқача қилиб айтганда муҳим бўлагига айланди. Вақтлар ўтди, жамият ўзгарди, ёшлар камолга етди, ниҳоллар чинорларга айланди, инсонлар ўзгарди. Аммо китоб ўзининг илк кўриниши ва муҳимлиги даражасини йўқотмади. Жамиятнинг илгор фикрли инсонлари учун ўз фикрларини бошқаларга етказишда беминнат дастур бўлди. Уз саҳифаларида одам-одам маънога эга бўлган маъна, маданият ва маънавиятнинг тилига айланиб бораверди. Боравора инсон комилликка эришди. Само, денгиз, қуруқлик оламининг лаб этди. Инсон вақтни жиловлай оладиган салоҳиятга эришди ва китобнинг заводи бўлмиш - интернетни кашф қилди.

Одамзод яралиблики доимо ҳаётини яхшилашга, оsonлаштиришга ва ҳаётдан лаззатланишга ҳарақат қилиб келган. Бугун сизу биз мана шу ҳаракатларнинг меваси-

КИТОБ - АҚЛ ЧИРОГИ

дан баҳрамандмиз. Лекин ҳаётимизга шиддат билан кириб келадиган интернет ва бошқа қўлаб кўнгил очар воситалар тафаккур хазинаси бўлиш китоблардан узоқлаштириб қўймаймизми?

Китоб ажодларнинг авлодларга қолдирган энг қимматли меросидир. Китобга бундайин тарифлар берилиши бежиз эмас, зеро барчамизга маълум ва машҳур бўлган «Авесто»дан тортиб «Ўтган кунлар»гача, «Тиб қонунлари», «Хамса» ҳаттоки Куръон ҳам бизгача китоб ҳолида етиб келган. Бу асарлар нафақат ҳақимиз тарихи, балки бутун Осиё, ўз ўрнида бутун дунё тамалдуининг асл манбаларидан-

дир. Айнан шу каби асарлар инсониятнинг бугунги кунгача бўлган дунёқарши, маданияти, маънавияти ва ахлоқини шакллантириб келган.

Минг афсуски, бугунгу кунга келиб китоб муталаа қилувчиларнинг сони санокли. Эндилкида китоблар фақат жавоннинг кўрки сифатида харид қилина бошланди. Инсониятга бир неча ўн ёки юз минг йиллардан буён ҳақиқий дўст бўлган китоб эндилкида четга сурилди, аёвсиз сандиққа «қамалди».

Ўз ўрнида шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бугунги кунимизни интернетсиз тасаввур қилиш жуда

қийин. Глобал тармоқ ҳаётнинг янгилаши эмас, балки машғулотнинг оддий бир турига айланиб улгурди. Масалан, бугунги кун ўқувчилари ва талабалари хоҳлаган мавзудаги рефератлар ва мустақил ишларни тайёр ҳолда интернетдан топиб, нусха кўчириб олишяпти. Савол туғилади: бу ҳолат уларни изланишдан тўхтатиб қўймайдими? Агар шу маълумотларни китоб, газета ёки журналлардан қидирса янада кўпроқ маълумотларга эга бўлмайми?! Бу билан интернетни тамоман рад қилмочи эмасман. Фақат ундан меъёрда фойдаланишни билишимиз керак. Айтиқса ривожланиш даврини бо-

шидан кечираётган болаларнинг керакли маълумотларни интернетдан қидириши давомида уларнинг бошқа маълумотларга - ўйинлар, мусиқа ва фильмларга чалғиши турган гап. Бу эса боланинг психологик ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва унинг маънавий тараққиети учун жуда хатарли.

Кўриниб турганидек, интернет каби сўнгги технологиялар нимаики афзалликларга эга бўлмасин инсон камолотида китобчилик тафаккур манбаи бўла олмайди. Лекин замонавий технологиялардан фойдаланмайлик, дейиш фикридан йироқман, бироқ биз учун қардрон ҳисобланмиш тафаккур манбаларининг ҳаётимиздаги ролини оширмасак келажакда маънавияти суёт, иродаси бўш ва мафкураси кучсиз авлодларга айланиб қолишимиз ҳеч гап эмас. Биз дунёга донги кетган алломаларнинг фарзандларимиз. Тенгдошлар, келинг, шу шаънимизни сақлаб қоллайлик, ўзгаларга ўрнак бўладиган авлод бўлиб воғга етайлик.

Мохинур АБДУРАХМАНОВА, Инглиз тили ва адабиёти йўналиши талабаси.

БАХОР МУШОИРАСИ

Кириб келди навбахор

Қир-адирда эриб қор,
Яралиб боғда гулзор,
Дўстларим яна такрор,
Кириб келди навбахор.

Кўздан уйқулар қочиб,
Қуёш нурларин сочиб,
Жаннат эшигин очиб,
Кириб келди навбахор.

Ҳар эрта тонг сўраб ҳол,
Ол деб, ол, гулимдан ол!
Шоирини қилиб лол,
Кириб келди навбахор,
Яна келди навбахор...

xxx

Чодирларни тикиб дашт-адирларга,
Табиат расмлар чизиб қирларга,
Шоирларни кўмиб тотли сирларга,
Яна баҳор келди бизнинг элларга.

Завқланиб кўзларидан уйқулар қочиб,
Кўкда қуёш порлаб нурларин сочиб,
Жойларда жаннатнинг эшигин очиб,
Яна баҳор келди бизнинг элларга.

Созандалар олиб соз-торларини,
Жойларда бошлашиб алёрларини,
Ёмғирларга ювиб губорларини,
Яна баҳор келди бизнинг элларга.

Бахтиёр НУРИДДИНОВ,
Қорабал қишлоқ хўжалик касб-
хунар коллежи ўқитувчиси.

Сендан кечолмайман...

Сендан кечолмасман, ўтсада йиллар,
Менинг армонимга айланган баҳор.
Олис кетолмасман, яқин манзиллар,
Аммо ёнгинаданг бормоғим душвор.

Айтгин, унутмоққа бормикан чора?
Туйғум умидсиздир, кўнгиллар абгор.
Дилимни ўртаган чандиқли яра,
Сени эслатади такрор ва такрор.

Сендан кутмасман ҳеч меҳр-муҳаббат,
Сен ўзгага доир, сен ўзга дунё.
Менинг тақдиримга битилган заҳмат,
Орзуим саробу, хаёлим рўё.

Сендан кечолмасман, уринмай қанча,
Ногоҳинг излайман йўлимда ҳамон.

Ҳижроннинг азобин ичга ютганча,
Ҳамон бормоқдаман орзумиз томон.

Чунки бу орзулар иккимизники,
Уша илк қувончли дамлардан ёдгор.
Бой берар бўлсам гар орзуларинчи,
Пок хотираларга етмасми озор?

Шунда ҳам бахтлиман, бахтлиман бироқ
Ногоҳ кириб келди баҳоримга куз.
Сўнгсиз ҳижронингга қовриляпману,
Аммо, севганимдан чекмасман афеус.

Маҳбуба ХОЛМИРЗАЕВА,
Миллий гоя, маънавият
ассослари ва ҳуқуқ таълими
йўналиши талабаси.

ОЙ, ҚУЁШ, МЕН...

Ойга ошиқ эмасман,
Қуёш менга ёқади.
Хафа қилиб қўйсам ҳам,
Донм кулиб боқади.

xxx

Дардимни сўраб,
Шодликка ўраб,
Ғамимни кетказ,
Орзуга етказ.

Ўзингсан якка.
Ҳолсиз юракка -
Кулгингидир мадор,
Мен-ла бирга қол.

Кўк юзида тўлин ой.
Шу кеча ҳам кўрин ой.
Кўринмасанг, эрта кун,
Нақ иккига бўлин ой.

xxx

Булут билан ўйнашиб,
Ёмғирларни сепамиз.
Қуёш чиқса биз ойни,
Тун қаърига тепамиз.

Ой-юлдузлар онаси,
Биздан қасос олади.
Шаббодига арз қилиб,
Уни ишга солади.

Ўз ўрнида шаббод,
Шамолтойнинг жигари.
У пурласа булутни,
Учар копток сингари.

Яқин дўстим йироқлаб,
Кетиб қолар тобора.
Мен ортидан югуриб,
Бўлғайдирман оввора.

Шунда тоғлар ачиниб,
Шамол йўлини тўсади.
Етмай қолса бўйлари,
Ярим қарич ўсади.

Оқибатда қувониб,
Дўстим билан қоламиз.
Вақти келиб шамолдан,
Бизлар ҳам ўч оламиз.

Музроб РАҲМАТОВ,
Муסיкий таълим
йўналиши талабаси.

(Боши 3-саҳифада)

- Бўлди, бўлди!
- Ҳа, жавр. Ўзи не машаққатларда набира-
сини тўйига атаб боқаётганиди. - гўлдира-
ди Нўмон чол.

...Уйини ўғри уриб, Афғонистонда халок
бўлган яккаю-ягона ўғлидан ёдгор - набира-
сининг чипрон тўйига деб боқаётган сиги-
ридан айрилган Сойиб «жимжит» қишлоқ-
нинг «катта»ларидан бўлмасада, бировга зиё-
ни тегмайдиган, жуда зарурияти бўлмаса
дардини бировга дастурхон қилишни хуш
кўрмайдиган, индамас чол. Эҳтимол шу жи-
ҳатини инобатга олибми, қишлоқда унинг
исмига «жимжит» деган лақаб қўшиб айти-
шади. Меҳнаткашлиги ва яна юмшоқ феъли
билан қишлоқдошларининг меҳрини қозон-
ган киши. Бундан тўрт йил бурун янги гў-
шанга кўрган ўғли ҳарбийга кетганича
Афғонистондан тобутда келди. Бу мусибат
кампирига оғирлик қилди: Сойиб чол ҳай-
ҳотдай ҳовлида ҳали ёшига тўлмаган наби-
расию бева келини билан муңгайиб қолди.

Қишлоқдаги-
лар Сойиб чол-
ни бирор бе-
вага уйлаб қўй-
моқчи ҳам бў-
лишди, қиш-
лоқ жарчиси
Ҳомид бақи-
роқ ўн йил бурун эри ўлган қайинсинглиси-
ни номзод қилиб элчиликни бўйнига олган-
ди ҳам. Аммо, Сойиб чол бунга рози бўлма-
ди: «Мен уйланмоқчи эмасман, набирамнинг
олдида уялман...», деди. Шундан сўнг бу
хусусда ҳеч ким оғиз очолмади. Сойиб чол
ёса чориқ-чопонини елкага илиб далага чиқ-
ди. Икки йил тиним билмай меҳнат қилиб,
ишидан-тишидан ортирганича набираси-
нинг чипронига атаб битта сигир олди. Шу
кўкдада набирасининг «қўлини ҳалоллаб»
элга ош бермоқчи эди. Насиб қилмаган
экан...

Саҳар қоронғусида кўча супургани чиқ-
қан қўшнинг келини девордаги тешикни
қурибдию капалаги учиб аввал уйига чопиб-
ди, бомдод номозига ҳозирланаётган қай-
нотасига, Кўчқор баққолга, ҳабар қилибди.
Ҳар нима бўлганида ҳам Сойиб отанинг
қадрдонигу. Бир чой дамларлик вақт ўтмай
девордаги тирқиш олдига ўн чоғли кўни-
қўшни йиғилиб улгурди. Аввалига, де-
вордаги ўпирилмага сўзсиз тикилиб турган
Сойиб чол Кўчқор баққолга маъноли бир
қараб қўйдю индамай уйига кириб кетди.
Бамайлихотир таҳорат олиб, масжидга йў-
налди...

- Сойибга жавр бўлишга-ку, жавр. Энди
нима қиламиз. Бирор машваратларинг бор-
ми?

Баққолнинг бирор гапни замирсиз айт-
маслигига кўникиб қолган чоллар «Нима
демоқчисан, айтавер», дегандек унинг ўзига
юзланишди. Баққол эса шошилмай янги
келган чойни уч қарра қайтарди. Сўнг пиё-
лаларга сузиб, чолларга узатди. Ўз пиёласига
ҳам чой қўйиб қўлига олди, лекин ичмади.
Кўзини ярим қисганича бир нуқтага тики-
либ қолди.

Ўқинг, қизиқ!

ЯХШИ КАЙФИЯТ РАМЗИ

1 апрель - «Алдов куни»ми?

Биринчи апрель ҳазиллари халқ-
да шу ой об-ҳавосининг ўзгарув-
чанлиги рамзи сифатида вужудга
келган бўлса ажаб эмас. Немис-
ларда «Апрель - ёлғончи», италян-
ларда «Апрель - гоҳ кулади, гоҳ
йиғлайди», французларда «Агар оз-
гина ўтининг бўлса, апрелга сақ-
лаб қўй» беган нақллар бор. Фран-
цияда қувноқ алдашлар одати
«Апрель баяни» деб аталади.

Ғарбий Европада биринчи апрел-
ь ҳазиллари XVI асрда бошлан-
ган, деган фикр бор. Французлар
бу анъанага ўзлари асос солган-
ликларини таъкидлайдилар. Бунинг
исботи сифатида шундай нақлни
келтирадилар. 1564 йилда қирол
Карл IX йил бошини биринчи ап-
релдан (илгари янги йил биринчи
апрель куни бошланарди) 1 январга
кўчириш тўғрисида фармон чиқар-
ди. Ана шу фармонда янги йил
муносабати билан биринчи апрель
куни ҳадя этиладиган совғалар анъ-
анаси ҳам бекор қилинди. Бундан
ғазабланган французлар биринчи
апрелни «Алдов куни» деб атай
бошладилар.

Бизда ҳам 1 апрель кулгу куни
сифатида нишонланади. Уша куни
қизиқарли томошалар, тадбирлар
ўтказилади. Кулгу умрни узайтира-
ди дейишади. Шундай экан, ҳар
доим кулгу сизни тарқ этмасин.

Нилуфар АЛЛАМУРОВОВА,
Институтимиз магистранти.

Ziyo chashmasi

МУАССИС:
Абдулла Қодирий номидаги
Жиззах Давлат педагогика
институту

Бош муҳаррир Абдукарим ШАРИПОВ

Таҳририятга келган хатлар
таҳлил этилмайди ва
муаллифларга
қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқланиши
мумкин.

Газета Жиззах вилояти Матбуот ва
ахборот бoshқармасида 2006 йил
26 декабрда 06-017 рақами билан
рўйхатга олинган.
Босишга топширилган
вақти - 19.00
Топширилди - 18.00
Навбатчи: М. Абдуллаев

Манзил:
Ш. Рашидов
шоҳ кўчаси,
Абдулла Қодирий
номидаги Жиззах
Давлат
педагогика
институту.

Gazeta «Jizzax haqiqati»-
«Djizakskaya pravda»
gazetaları tahririyatining
ishlab chiqarish
bo'limida bosildi.

Офсет усулида 6700 нусхада босилди.
Буюртма № . Shaki-A-3.